

## **NAZORAT-AUDIT**

### **AUDITING COMPANY**

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570  
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: [info@nazorat.uz](mailto:info@nazorat.uz), web: [www.nazorat.uz](http://www.nazorat.uz)

### **«УЗАГРОСУГУРТА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ 2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига Ижобий фикр билдирилган**

#### **АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*«УЗАГРОСУГУРТА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ таъсисчилари ва раҳбариятига*

#### **Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:**

**Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилоти.**

Ўзбекистон Республикаси. 100015. Ташкент шаҳри, Миробод туман, Госпиталь даҳаси  
11/2. телефон: +998 95 144 74 55 Факс: +998 71 150 23 01.

email: [ld.nazorat-audit@mail.ru](mailto:ld.nazorat-audit@mail.ru), web: [www.nazorat.uz](http://www.nazorat.uz)

Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома - № 545. 11.12.2007  
йилда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан берилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан "Барча хўжалик юритувчи  
субъектларда аудиторлик текшируви"ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини  
амалган оширишга рухсат берувчи Лицензия - Серия АФ № 00067 28.07.2008 йилда  
берилган.

Хисоб рақами: 20208000604007713001 в «DAVR-BANK» ХАТБ Чилонзор филиали,  
МФО-01046, СТИР: 202884570, ОКЭД: 69202.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, "Аудитор малака  
сертификати" - № 05207 от 26.04.2014 йилда Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги  
томонидан берилган.

Аудиторлик ташкилоти аудитори: Тураббаев Бабыржан Баходирович, САР, Аудитор  
малака сертификати № 05515 29 сентябрь 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси молия  
вазирлиги томонидан берилган.

#### **Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот:**

##### **«Узагросугурта» АЖ**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 19 мавзе, 61/2-  
уйда жойлашган.

Тошкент шаҳар Учтепа туман Давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан утган  
ва 201042345-сонли солиқ туловчининг идентификация рақами берилган.

Давлат рўйхатидан утказилганлиги тўғрисида маълумот: Ўзбекистон  
Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан берилган "Юридик шахсни Давлат  
руйхатидан утказиш тўғрисида" ги 947-сонли гувоҳнома, ХХТҮТ – 96210, ТХШ  
– 153.

Фаолияти учун лицензия: «Узагросугурта» АЖга Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги томонидан 2015 йил 3 шолда 00202-сонли ва 2018 йил 4  
апрелда 00228- сонли чекланмаган муддатга берилган Лицензияга асосан



фаолият юритиб келади.

Хисоб раками: ОАТБ «Агробанк» Тошкент шаҳар филиали,  
20210000900101169001. МФО 00394.

Бошқарув раиси: Холхужаев Саидкаҳҳор Муҳаммадқарим угли 30.08.2017  
йилдан бугунги кунгача.

Бош хисобчи: Жумаев Азимжон Абдисаломович 28.05.2012 йилдан бугунги  
кунгача.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги "NAZORAT-AUDIT" аудиторлик ташкилотининг аудитори Маматов А.Д., Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган №05207-сонли «Аудитор малака сертификати»га асосан, аудиторлик ташкилоти билан «УЗАГРОСУГУРТА» АЖ ўртасида 1 апрел 2019 йилда тузилган 1/19-19 сонли шартномага асосан «УЗАГРОСУГУРТА» АЖнинг 01.01.2018 йилдан 31.12.2018 йилгача бўлган даври учун тузилган "Корхона баланси" – форма № 1, "Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот" – форма № 2, "Пул оқимлари тўғрисидаги Хисобот" - форма №4, "Ўз сармояси тўғрисидаги Хисобот" - форма №5 шаклларида иборат молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «УЗАГРОСУГУРТА» АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «УЗАГРОСУГУРТА» Акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор

Хулоса тузилган сана: 30.04.2019 й.



Б.Н.Назаров

А.Д.Маматов